

Агар менинг билганимни билганингизда...

09:05 / 15.04.2018 4179

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга хутба қилдилар, бунга ўхшашини асло эшитмаганман. У зот: **«Агар менинг билганимни билганингизда, оз кулиб, кўп йиғлаган бўлар эдингиз!»** дедилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари юзларини тўсганча пиқ-пиқ йиғлашди.

Муттафақун алайҳ.

Бошқа ривоятда келтирилишича, «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга саҳобалари томонидан бир нарса хабари етганида, у зот қуйидагича хутба айтдилар: **«Менга жаннат ва дўзах кўрсатилди. Уни бугунгидек яхшилик ва ёмонликда кўрмаганман. Агар сизлар мен билган нарсани ҳис қилганингизда, оз кулиб, кўп йиғлардинглар»**. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаларига бугунгидан кўра қаттиқроқ кун бўлмаган. Улар бошларини беркитиб пиқ-пиқ йиғлашар эди».